



Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар учун моддий-маиший таъминотини ташкил этишнинг ташкилий меъёри таъминоти ва давлат томонидан маҳкумларга белгиланган меъёр микдорларига мувофиқ амалга оширилиши

Юсупов Шохзодбек
Шоназар ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги 1
минтақавий ҳудуд 14 сон Жазони ижро этиш
колонияси Тезкор-қидирув бўлими тезкор вакили катта
лейтенант*

Аннотация: Ушбу илмий мақолада жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар учун моддий-маиший таъминотини ташкил этишнинг ташкилий меъёри таъминотини колония томонидан маҳкумларга қилиниши лозим бўлган барча зарурий хизматларнинг ташкиллаштирилиши ва ҳар бир маҳкумга ажратилиши лозим бўлган микдорларнинг зарурий таъминланиши юзасидан умумий маълумотлар жамланган ҳисобланади.

Калит сузлар: моддий таъминот, моддий бойликлари, колония моддий таъминоти, озиқ-овқат маҳсулотлари, ётоқ анжомлари, меъёрий микдорлар, маҳкумнинг физиологик ҳолатлари, умумий овқатланиш жойлари, биологик озуклар, оғир меҳнатга жалб этилган маҳкумлар, юқумли касалликка чалинган маҳкумлар, оширилган микдор овқатланиш меъёри.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари сақланаётган шахслар, шунингдек, қамоқ жазосини ўтаётган шахслар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида маҳкумларнинг моддий-маиший шароитини сезиларли даражада ошириб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари сақланаётган шахслар, шунингдек, қамоқ жазосини ўтаётган шахсларни озиқ-овқат билан таъминлаш тизимига асосан бир неча меъёрлар жорий этилган бўлиб ўларнинг барчаси ҳар бир маҳкумга умумий микдорда таъминланади.

Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни кийим-кечак ва ётоқ анжомлари билан таъминлаш меъёри;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналари, жазони ижро этиш колониялари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида

сақланаётган ҳомиладор ва эмизикли аёлларни озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва ётоқ анжомлари билан таъминлаш меъёри;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг даволаш муассасаларида, Жазони ижро этиш муассасаларининг тиббиёт бўлимларида стационар даволанишда бўлган беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак (буюм) билан таъминлаш меъёри;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарини совун ва ювиш воситалари билан таъминлаш меъёри ички ва ҳориж тажрибасига асосан тасдиқланш¹.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумларни ҳамда тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида қамокда сақланаётган шахсларни озиқ-овқат, ашёвий мол-мулк, совун ва ювиш воситалари билан таъминлаш меъёрларининг қўлланиш тартибини, шунингдек, сақлаш таъминоти учун пул маблағлари харажатларини белгилаш;

Маҳкумлар учун кийим-кечак моделини, уларга кийим-кечакни бериш ва ишлатиш шунингдек жазони ижро этиш муассасаси моддий бойликларини фойдаланиш тартибини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган бемор маҳкумлар, шунингдек, тергов ҳибсхоналарида сақланаётган, қамокқа олинган, шифо бўладиган озиқ маҳсулотларига муҳтож шахсларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини белгилаш. Бунда шифо бўладиган озиқвий маҳсулотларининг қўшимча қиймати тасдиқланган озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрларида назарда тутилган озиқ-овқат маҳсулотлари қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда баъзи озиқ-овқат маҳсулотларини бошқалари билан алмаштириш меъёрларини ва уларни қўллаш тартибини белгилаш ҳукуқи берилган.

Шунингдек белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналарида ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар, шунингдек, маҳсус қабулхоналарда маъмурий қамок жазосини ўтаётган шахсларнинг кийим-кечак ва ётоқ анжомлари аввал берилган кийим-кечак ва ётоқ анжомларининг фойдаланиш муддати тугагандан сўнг янгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар, шунингдек, маҳсус қабулхоналарда маъмурий қамок жазосини ўтаётган шахсларни озиқ-овқат

¹ O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jazoni ijro etish muassasalarida jazo muddatini o'tayotgan mahkumlar, tergov hibsonalari saqlanayotgan shaxslar, shuningdek, qamoq jazosini o'tayotgan shaxslarni oziq-ovqat bilan ta'minlash to'g'risida Vazirlar Mahkamasining 17.03.2021 yildagi 143-son Qarori

билан таъминлашнинг даслабки меъёри жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар учун белгиланган бўлиб қуйидаги тартибда жорий этилган.

Бир маҳкум учун сутка давомида белгиланган миқдор:

Озиқ-овқат маҳсулотининг номи:

- 1-нав ундан тайёрланган буғдой нони 500 грамм
- 2-нав ундан тайёрланган буғдой нони 150 грамм
- 2-нав буғдой уни 20 грамм
- Турли хил ёрмалар (гуручисиз) 90 грамм
- Гуруч 30 грамм
- Макарон маҳсулотлари 20 грамм
- Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар) 80 грамм
- Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган) 30 грамм
- Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган) 35 грамм
- Тухум (дона) 1 дона
- Дуккакли маҳсулотлар 20 грамм
- Ҳайвон ёғи ёки маргарин 20 грамм
- Ўсимлик ёғи 50 грамм
- Шакар 30 грамм
- Чой 1 грамм
- Ёдланган ош тузи 20 грамм
- Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган) 95 грамм
- Картошка 550 грамм
- Дафна япроғи 0,1 грамм
- Томат пастаси 3 грамм
- Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак -5гр) 10 грамм
- Сабзавотлар

Ушбу меъёр талаблари асослари бўйича қуйидагилар маҳкумлар тоифаларига озиқ-овқат берилиши таъминланган:

-Умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларда, турмаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар;

-Транзит олиб кетилаётган маҳкумлар;

-Этап бўлгунга қадар тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳкумлар;

-Жазони ижро этиш муассасаларидан тергов ҳибсхоналарига ўтказилган ёки тергов ҳибсхоналарида суд ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг қолдирилган ва ҳўжалик ишларини бажариш учун қолдирилган маҳкумлар;

-Манзил-колонияда интизомий бўлинмага киритилганлиги сабабли ишдан озод қилинган маҳкумлар, манзил-колониясининг корхона, муассаса ва ташкилоти маблағлари ҳисобидан, кейинчалик маҳкумларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш шарти билан;

-Манзил-колонияга олиб келинмайдиган ташкилотларда ишга жалб этилган маҳкумлар республикада фавқулодда ҳолат рўй бериши ёки санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар сабабли ушбу ташкилот

(ишлаб чиқариш) фаолияти тўхтаганда, манзил-колониянинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан.

-Вояга етмаганлар тарбия колонияларининг тарбияланувчилари озиқ-овқат билан таъминлаш меъёрлари бўйича таъминланадилар.

-Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига йиғиб берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги махсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига қайтадан берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги махсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

Вояга етмаган маҳкум(а)лар учун;

Озиқ-овқат маҳсулотининг бир киши учун 1(бир) сутка давомида тақсимланган миқдор қиймати:

- 1-нав ундан тайёрланган буғдой нони 350 грамм;
- 2-нав ундан тайёрланган буғдой нони 250 грамм;
- 2-нав буғдой уни 5 грамм;
- Турли хил ёрмалар (гуручсиз) 50 грамм;
- Гуруч 30 грамм;
- Макарон маҳсулотлари 40 грамм;
- Гўшт (мол, қўй гўшти ва бошқалар) 120 грамм;
- Парранда гўшти (ичак-чавоқларидан тозаланган) 35 грамм;
- Балиқ (ичак-чавоқларидан тозаланган) 35 грамм;
- Тухум (дона) 1,5 грамм;
- Дуккакли маҳсулотлар 10 грамм;
- Ҳайвон ёғи ёки маргарин 20 грамм;
- Ўсимлик ёғи 30 грамм;
- Сариеғ 20 грамм;
- Сут (ёғлилиги 2,5 фоиздан кам бўлмаган) 250 грамм;
- Шакар 50 грамм;

- Чой 1 грамм;
- Ёдланган ош тузи 10 грамм;
- Картошка 400 грамм;
- Картошка крахмали 1 грамм;
- Қуритилган мевалар (шу жумладан, наъматак- 5гр) 20 грамм;

Янги мевалар ва резаворлар:

- Олма 250 грамм;
- Резаворлар 50 грамм;
- Дафна япроғи 0,1 грамм;
- Томат пастаси 3 грамм;

Сабзавотлар:

- Карам (янги узилган ёки тузланган) 55 грамм;
- Бодринг ва помидор (янги узилган ёки тузланган) 65 грамм;
- Пиёз 50 грамм;
- Лавлаги ва сабзи 65 грамм;
- Қовоқ 20 грамм;
- Бошқа сабзавотлар (шолғом, турп, булғор қалампири, бақлажон) 59 грамм;
- Кўкатлар 5 грамм²;

Организмнинг энергияга ва озиқа моддаларига физиологик эҳтиёжини таъминлаш учун таомнома 7 кунга тузилади. Таомномани тузишда бир турдаги маҳсулот миқдорини ҳафтанинг қайсидир куни ёки кунларига қайта берилишига рухсат этилади. Таомномани тузишда гўшт, турли хил ёрмалар, нон, шакар, туз ва ёғ каби биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ҳар куни ишлатилишига эътибор қаратилиши лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобланиши учун муассасада маҳсулотларни олиб кириш кундаги махсус контингентнинг амалдаги сони асос бўлади.

Мевалар ва резаворлар ҳамда сабзавотлар билан таъминлаш уларнинг етиштирилиши ёки пишиш мавсумига қараб амалга оширилади.

Тергов ҳибсхонасида бўлиб суднинг ҳукми қонуний кучга кириб жазони ижро этиш учун этап асосида калонияларга юборилаётган маҳкумлар шунингдек жазони ижро этиш муассасасида сақлана туриб бошқа калонияга кўчирилаётган маҳкумларни йўлда бўлган даврида маҳкумлар учун озиқ-овқат таъминоти бўйича таъминлаш учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари бериш тартиби мавжуд ҳисобланиб улар қуйида меъёр асосида тузилган ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотининг номи:

Бир маҳкум учун 1 суткалик миқдор қуйидагича:

- 1-нав ундан тайёрланган буғдой нони 1000 (грамм)

² O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jazoni ijro etish muassasalarida jazo muddatini o'tayotgan mahkumlar, tergov hibsxonalari saqlanayotgan shaxslar, shuningdek, qamoq jazosini o'tayotgan shaxslarni oziq-ovqat bilan ta'minlash to'g'risida Vazirlar Mahkamasining 17.03.2021 yildagi 143-son Qarori

-Гўшт (мол, кўй гўшти ва бошқалар) 320 (грамм) ёки ярим дудланган колбаса 190 (грамм) ёки дуккакли маҳсулотлар, тухум, бринза

-Шакар 30 грамм

-Ёдланган ош тузи 10 (грамм)

-Чой 1 (грамм)

Тергов ҳибсхонасида этап асосида ёки тарбия колониясидан кўчирилаётган вояга етмаган маҳкумлар йўлда бўлган даврида маҳкумларнинг ёши ва физологик ҳолатини ҳисобга олиб уларни озиқ-овқат таъминоти бўйича таъминлаш учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари бериш тартиби мавжуд ҳисобланиб улар қуйида меъёр асосида тузилган ҳисобланади.

Вояга етмаган маҳкумлар учун бир маҳкум учун 1 суткалик миқдор қуйидагича белгиланган.

Озиқ-овқат маҳсулотининг номи:

-1-нав ундан тайёрланган буғдой нони 400 (грамм)

-2-нав ундан тайёрланган буғдой нони 400 (грамм)

-Гўшт (мол, кўй гўшти ва бошқалар) 380 (грамм) ёки ярим дудланган колбаса 237 (грамм) дуккакли ва тухум маҳсулотлар,

-Шакар 50 (грамм)

-Пишлоқ ёки бринза 60 (грамм)

-Ёдланган ош тузи 15 (грамм)

-Чой 1 (грамм).

Йўлда маҳкумлар томонидан тайёрлашни талаб қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари уларга белгиланган тартибда пиширилган қадоқланган ҳолда берилади.

Ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзаро алмашишини ҳисоблашга мувофиқ эквивалент миқдорда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 143-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни кийим-кечак ва ётоқ анжомлари билан таъминлаш тартибининг алоҳида меъёрлари қабул қилинган бўлиб ушбу меъёрлар асосида Жазони ижро этувчи барча муассасалар қуйидагича баён этилган.

Эркак маҳкумларнинг кийим-кечаклари белгиланган миқдор ва муддатга берилади.

Буюмнинг номи миқдори (бир маҳкум учун) ва кийим-кечакларнинг хизмат қилиш муддати:

-Қишки бош кийими (қулоқчинли телпак) 1 дона 3 йил,

-Ёзги бош кийими 1 дона 1 йил,

-Қишки куртка (синтефонли) (пахтали ярим пальто) 1 дона 3 йил,

-Пахтали матодан костюм 2 тўплам 2 йил,

-Пахтали матодан шим 1 дона 1 йил,

- Пахтали матодан устки кўйлак 2 дона 2 йил,
- Ички кийим (қишки) (ички кўйлак ва ички иштон) 2 тўплам 2 йил,
- Майка 2 дона 1 йил,
- Трусиқ 2 дона 1 йил,
- Қишки кўлқоп (пахтали кўлқоп) 1 жуфт 1 йил,
- Чарм ботинка (резинали тагчармдаги чарм ботинка) 1 жуфт 3 йил,
- Чарм туфли 1 жуфт 2 йил,
- Шиппак 1 жуфт 2 йил,
- Пахтали матодан пайпоқ 6 жуфт 1 йил³.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 53-моддасига асосан “қасдан содир этган оғир жинояти учун биринчи марта саккиз йилгача ва саккиз йил муддатга озодликдам маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар алоҳида ҳолларда маҳкумнинг ўзининг ёзма розилиги асосида тергов ҳибсхона бошлиғининг қарорига асосан қолган маҳкумлар шунингдек манзил колониясида жазо ўтаётган маҳкумлар шартнома асосида меҳнатга жалб этилиши мумкинлигидан фойдаланиб умумий, қаттиқ ва махсус тартибли жазони ижро этиш колониясида шартнома асосида жазони ижро этиш колонияларида ҳўжалиқ ишларини бажариш учун қолдирилган маҳкумлар ҳам белгиланган меъёр талаблари асосида мавсумга қараб ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган наъмунавий кийиб бош билан таъминланади.

Шунингдек бази бир ҳолатларни инобатга олиб тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган, мавсумий кийимлари бўлмаган, шунингдек кийим-кечагида зараркунандалар мавжуд бўлган шахслар меъёр бўйича кийим-кечак билан таъминланади.

Маҳкумларнинг буюмларни таъмирлаш учун сарфланадиган маҳсулотлар эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда сарф ҳаражатларнинг умумий миқдори республика бюджети ҳисобидан берилади.

Сақланаётган маҳкумлар кийилаётган кийим кечаклари санитария ва гигиена талабларидан келиб чиққан ҳолда 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган аёл маҳкумаларнинг мавсумий қишки ва ёзги кийим-кечаклари алоҳида меъёр талаблари асосида белгиланган ҳисобланилади.

Маҳкума аёлларнинг буюмлари қуйидагилар:

- Ярим жунли матодан рўмол 1 дона 2 йил,
- Дуррача (пахтали учбурчак рўмол) 2 дона 2 йил,
- Қишки куртка (синтефонли) (пахтали ярим пальто) 1 дона 3 йил,
- Пахтали матодан кузги-баҳорги куртка (астарли) 1 дона 2 йил,
- Пахтали матодан ёзги кўйлак костюм (сарафан) 1 дона 2 йил,
- Пахтали матодан кўйлак 1 дона 1 йил,

³ O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jazoni ijro etish muassasalarida jazo muddatini o'tayotgan mahkumlar, tergov hibsonalari saqlanayotgan shaxslar, shuningdek, qamoq jazosini o'tayotgan shaxslarni oziq-ovqat bilan ta'minlash to'g'risida Vazirlar Mahkamasining 17.03.2021 yildagi 143-son Qarori

- Пахтали матодан блуза 2 дона 2 йил,
- Пахтали матодан халат 1 дона 1 йил,
- Ички кўйлак 2 дона 1 йил,
- Майка 2 дона 1 йил,
- Трусиқ 4 дона 1 йил,
- Сийнабанд 2 дона 1 йил,
- Пахтали матодан пайпоқ 8 жуфт 1 йил,
- Гамаш 2 жуфт 1 йил,
- Қишки кўлқоп 1 жуфт 1 йил,
- Чарм ботинка (резинали тагчармдаги чарм ботинка) 1 жуфт 2 йил,
- Чарм туфли 1 жуфт 2 йил.
- Шиппак 1 жуфт 2 йил.

Тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш колонияларида хўжалик ишларини бажариш учун қолдирилган маҳкумалар ҳам таъминланади. Тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган, мавсумий кийимлари бўлмаган, шунингдек кийим-кечагида зараркунандалар мавжуд бўлган шахслар ушбу меъёр бўйича кийим-кечак билан таъминланади. Жазони ижро этиш колониялари, тергов ҳибсхоналари ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақлаб турилган аёлларга бир ойда 10 дона аёллар учун гигиеник восита (прокладкалар ёки тампонлар) берилади.

Маҳкумаларнинг буюмларни таъмирлаш учун сарфланадиган маҳсулотлар эҳтиёждан келиб чиққан ҳолдасарф ҳаражатларнинг умумий миқдори республика бюджети ҳисобидан берилади.

Сақланаётган маҳкумалар кийилаётган кийим кечаклари санитария ва гигиена талабларидан келиб чиққан ҳолда 50 фоиздан кам бўлмаган пахта толасидан тўқилган мато ишлатилиши мумкин.

Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган вояга етмаган маҳкум(а)ларнинг мавсумий қишки ва ёзги кийим-кечаклари алоҳида меъёр талаблари асосида белгиланган ҳисобланади.

Вояга етмаган маҳкум(а)ларнинг буюмлари қуйидагилар:

- Қишки бош кийими (қулоқчинли шапка) 1 дона 3 йил,
- Ёзги бош кийим 1 дона 1 йил,
- Қишки куртка (синтефонли) (пахтали куртка) 1 дона 3 йил,
- Пахтали матодан костюм 2 тўплам 2 йил,
- Мактаб учун костюм 1 тўплам 2 йил,
- Пахтали матодан мактаб учун оқ кўйлак (ип-газламали) 1 дона 2 йил,
- Галстук 1 дона 2 йил,
- Пахтали матодан шим 1 дона 1 йил,
- Пахтали матодан кўйлак 2 дона 2 йил,
- Ички кийим (қишки) (ички ко'йлак ва ички иштон) 2 жуфт 2 йил,
- Майка 2 дона 1 йил,
- Трусиқ 2 дона 1 йил,
- Пахтали матодан пайпоқ 6 жуфт 1 йил,

- Қишки қо'лқоп (ярим жунли қо'лқоп ёки варежкалар) 1 жуфт 1 йил,
- Чарм ботинка 1 жуфт 2 йил,
- Чарм туфли 1 жуфт 1йил,
- Спорт учун оёқ кийими (спорт учун туфли) 1 жуфт 2 йил,
- Шиппак 1 жуфт 2 йил⁴.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР !!

1. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель кунини ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериши орқали қабул қилинган.* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 01.05.2023)
2. *Ўзбекистон Республикасининг 15 февраль 2023 йилдаги ЎРҚ-817-сон Қонуни.* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.04.2023)
3. *Ўзбекистон Республикасининг 23 март 2023 йилдаги ЎРҚ-825-сон Қонуни.* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.04.2023)
4. *Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган жиноят кодекси.* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.04.2023)
5. *Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган жиноят-процессуал кодекси.* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 29.04.2023)
6. *Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган жиноят-ижроия кодекси.* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 29.04.2023)
7. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 октябр 2016 йилдаги ПФ-4850-сон Фармони,* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 29.04.2023)
8. *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 29 декабрь 2012 йилдаги буйруғи,* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 30.04.2023)
9. *Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон қонуни «Ички ишлар органлари тўғрисида»* Ўзбекистон Республикаси қонун

⁴ O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining jazoni ijro etish muassasalarida jazo muddatini o'tayotgan mahkumlar, tergov hibsonalari saqlanayotgan shaxslar, shuningdek, qamoq jazosini o'tayotgan shaxslarni oziq-ovqat bilan ta'minlash to'g'risida Vazirlar Mahkamasining 17.03.2021 yildagi 143-son Qarori

хужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 01.05.2023)

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги, 174-сонли буйруғи 4-илоvasи. “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлар миллий базаси // www.lex.uz. (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт 28.04.2023)